553-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

553 Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш ҳақида

«Терроризмга қарши кураш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик Вазирлар Махкамаси **қарор қилади:**

- 1. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби туррисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш., 2017 йил 23 июнь, 414-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 414-сон қарорига ИЛОВА

Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўгрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

- 1. Ушбу Низом «Терроризмга қарши кураш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, ҳорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни (кейинги ўринларда террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахслар деб аталади) ижтимоий реабилитация қилиш тартибини белгилайди.
- 2. Ушбу Низомнинг амал қилиши террорчиликка қарши операциялар ўтказилган зонада зарар кўрган шахсларга тез тиббий ёки бошқа шошилинч ёрдам кўрсатишга татбиқ этилмайди.
 - 3. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларни ижтимоий



реабилитация қилиш уларни нормал ҳаёт фаолиятига қайтариш мақсадида ўтказилади ва ҳуқуқий ёрдам беришни, уларнинг руҳий, тиббий, касбий реабилитациясини, уларни ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда уларга обод турар жой ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ёрдам беришни ўз ичига олади.

Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларга бир вақтнинг узида ижтимоий реабилитация қилиш буйича ёрдамнинг ушбу банднинг биринчи хатбошида курсатилган бир нечта тури (кейинги уринларда ижтимоий реабилитация буйича ёрдам бериш деб аталади) курсатилиши мумкин.

- 4. Хорижий давлатларда содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида зарар курган Узбекистон Республикаси фуқароларини ижтимоий реабилитация қилиш, агар Узбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида узгача ҳол назарда тутилмаган булса, ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.
- 5. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсни жабрланган деб эътироф этиш турчисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳарори ёки суднинг ажрими ижтимоий реабилитацияни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.
- 6. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ушбу Низомга иловага мувофиқ схема буйича амалга оширилади.

2-боб. Ижтимоий реабилитация қилиш масалаларини күриб чиқиш бүйича идоралараро комиссия

7. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш буйича ёрдамнинг тегишли тури курсатилишини таъминлаш учун террорчиликка қарши курашувчи давлат органлари — Узбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қумитаси, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Узбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вакилларидан иборат таркибда Ижтимоий реабилитация қилиш масалаларини куриб чиқиш буйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) ташкил этилади.

Идоралараро комиссия таркибига куриб чиқилаётган масаланинг узига хослигидан (хуқуқий ёрдам, рухий, тиббий, касбий реабилитация, ишга жойлаштириш, обод уй-жой бериш ва шу кабилар) келиб чиқиб тегишли давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари вакиллари киритилиши мумкин.

8. Терроризмга қарши курашишда иштирок этувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек Идоралараро комиссия фаолия-



тини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари Идоралараро комиссиянинг раиси хисобланади.

9. Идоралараро комиссиянинг шахсий таркиби ва иш регламенти унинг раиси томонидан тасдикланади.

3-боб. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларнинг мурожаатларини куриб чиқиш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби

10. Ижтимоий реабилитация буйича ёрдам олиш учун террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахслар ёки уларнинг вакиллари Идоралараро комиссияга ёзма тарзда мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш манзили ва талаб этиладиган ёрдам тури курсатилган ҳолда ижтимоий реабилитация қилиш буйича ёрдамнинг тегишли тури курсатилишини таъминлаш учун ижтимоий реабилитация қилиш буйича ёрдам бериш турисидаги ариза;

террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахснинг паспорти ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатнинг нусхаси;

террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахснинг вакили мурожаат қилган тақдирда вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг асл нусхаси ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

шахсни террорчилик оқибатида зарар курган деб эътироф этиш тургисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суд ажримининг нусхаси.

11. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш зарар курган шахслар ёки улар вакилларининг ёзма мурожаатисиз давлат органлари ёки бошқа ташкилотларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Бунда тегишли давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар Идоралараро комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш манзили ва талаб этиладиган ёрдам тури курсатилган ҳолда ижтимоий реабилитация буйича ёрдам бериш турисидаги хат;

террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахснинг паспорти ёки шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатнинг нусхаси;

шахсни террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган жабрланувчи деб эътироф этиш ту̂грисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суд ажримининг нусхаси.

12. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахснинг ёки унинг вакилининг, шунингдек ушбу Низомнинг 11-бандида курсатилган давлат



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й.

25 (785)-сон

органлари ёки бошқа ташкилотларнинг мурожаати Идоралараро комиссия томонидан беш иш күни мобайнида күриб чиқилиши керак.

- 13. Ушбу Низомнинг 10 ва 11-бандларида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда такдим этилган, шунингдек ҳужжатларни расмийлаштиришда ноаниқликлар аниқланган такдирда Идоралараро комиссия икки кун мобайнида мурожаат қилган шахслардан ёки давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан етишмаётган ҳужжатларни ёки аниқланган ноаниқликларни
- 14. Тақдим этилган хужжатларда ёлғон маълумот курсатилиши холати аниқланганда Идоралараро комиссия ижтимоий реабилитация буйича ёрдам курсатишни рад этиш туррисида қарор қабул қилади.

бартараф этиш учун қушимча маълумотларни сураб олади.

Идоралараро комиссия террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсни ёки унинг вакилини ёхуд тегишли давлат органи ва бошқа ташкилотни ижтимоий реабилитация буйича ёрдам бериш рад этилганлиги тургисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида рад этиш сабабларини курсатиб ёзма шаклда ҳабардор қилади.

- 15. Идоралараро комиссия террорчилик харакати окибатида зарар курган шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд давлат органи ёки бошка ташкилотнинг мурожаатини куриб чикиш якунлари буйича ижтимоий реабилитация буйича талаб этиладиган ёрдам туридан келиб чикиб ижтимоий реабилитация буйича ёрдам берадиган масъул давлат органи ёки муассасани (кейинги уринларда ижтимоий реабилитация буйича масъул орган деб аталади) белгилайди ва шахсни унга ижтимоий реабилитация буйича ёрдам бериш учун йуллаш тугрисида карор кабул килади.
- 16. Идоралараро комиссия томонидан қабул қилинган қарор бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмай ижтимоий реабилитация буйича масъул органга юборилади.

Бунда Идоралараро комиссия террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсни ёки унинг вакилини, шунингдек ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳолатда тегишли давлат органи ва бошқа ташкилотни ҳам ҳабул ҳилинган ҳарор турисида у ҳабул ҳилинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида ёзма шаклда ҳабардор ҳилиши керак.

Хатда ижтимоий реабилитация буйича масъул органнинг номи, у жойлашган жой, ижтимоий реабилитация буйича масъул орган рахбарининг (масъул ходимнинг) фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг хизмат телефони раками курсатилади.

17. Ижтимоий реабилитация буйича масъул орган Идоралараро комиссиянинг қарори олингандан кейин бир иш куни мобайнида унинг ижро этилишини ташкил этади.

Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларга ижтимоий реабилитация буйича ёрдам белгиланган тартибда курсатилади. Бунда ижтимоий реабилитация буйича масъул органлар томонидан бюрократизм ва сансалорлик қилинишига йул қуйилмайди.

18. Ижтимоий реабилитация буйича масъул орган бир иш куни мобай-



553-модда

нида Идоралараро комиссияга ижтимоий реабилитация бўйича ёрдам берилганлиги тўгрисидаги маълумотни ёзма шаклда юборади.

19. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахс ёки унинг вакили ижтимоий реабилитация буйича берилган ёрдамдан қониқмаган тақдирда Идоралараро комиссияга ижтимоий реабилитация буйича тегишли ёрдам берган ижтимоий реабилитация буйича масъул орган устидан шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган холатда Идоралараро комиссия томонидан террорчилик харакати оқибатида зарар курган шахснинг ёки унинг вакилининг асосланган ва қонуний талабларини қондириш юзасидан қушимча чоралар курилади.

- 20. Ижтимоий реабилитация буйича масъул органнинг рахбари ижтимоий реабилитация буйича бериладиган ёрдамнинг ўз вақтидалиги ва сифати учун шахсан жавоб беради.
- 21. Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар курган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш Узбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4-боб. Якунловчи қоида

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор булган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.



25 (785)-сон

— 249 — 553-модда

Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кÿрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тÿғрисидаги низомга ИЛОВА

Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш СХЕМАСИ

Босқич- лар	Субъектлар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддатлари
1-босқич	Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахс, унинг вакили ёхуд давлат органи	Ижтимоий реабилитация қилиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссияга мурожаат қилиш	Заруратга кўра
2-босқич	Идоралараро комиссия	Ижтимоий реабилитация бўйича ёрдам бериш тўгрисидаги аризани кўриб чиқиш	5 иш куни мобайнида
		Хужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолда такдим этилган такдирда етиш- маётган ҳужжатлар ёки такдим этилган ҳужжатларда ноаниқликлар мавжудлиги тўгрисида хабардор қилиш	Ариза олинган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида
		Қабул қилинган қарорни ижти- моий реабилитация қилиш чора- ларини кўриш учун давлат орга- нига ёки муассасага юбориш	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечикмай
		Қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчини хабардор қилиш	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 иш куни мобайнида
3-босқич	Ижтимоий реабилитация бўйича масъул орган	Идоралараро комиссиянинг қарори ижросини ташкил этиш	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида
		Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларга ижтимоий реабилитация бўйича ёрдам бериш	Ижтимоий реабилитация қилиш учун белгиланган муддатларда
		Ижтимоий реабилитация бўйича ёрдам берилганлиги тўгрисида идоралараро комиссияга ёзма шаклдаги ахборотни юбориш	Ижтимоий реабилитация қилингандан кейин 1 иш куни мобайнида

